



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 26 январь, № 17 (3562)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

## «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2005 йил Ўзбекистон Республикасида «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тасдиқлансин.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг иловада назарда тутилган тадбирлари тасдиқланган республика бюджетига ва маҳаллий бюджетларда молиялаштиришнинг аниқ манбалари, бажарувчилар маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий мақсади вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарarli одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётини фалсафани шакллантириш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бакуват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялаш таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш; аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чукчур англаб етишида ота-оналар ва педагоглар ролни кучайтириш; гигиёндликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС

тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш; пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташкил ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини, айниқса болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ишларини амалга ошириш; соғлиқни сақлаш ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мураккаблиги даражаси ва сифатига қараб меҳнатга табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлашни жорий этиш юзасидан аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий қоидаларига мувофиқ 10 кун муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқинлар ва уларнинг бажарилишини таъминласинлар.

4. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишини

ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси доирасида «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий бўлиmlари амалга оширилиши учун масъуллардан иборат Кенгаш тuzилсин.

5. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишнинг куйидаги тизими белгилансин:

Кенгаш ҳар ойда тўпланади ва «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган аниқ тадбирлар бўйича бажариш учун масъулларнинг ҳисоботини эшитади;

Давлат дастури асосий бўлиmlарининг бажарилиши учун масъуллар ҳар чорада Республика комиссияси мажлисларида дастур бўлиmlарининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берадилар;

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чорак ақунлари бўйича ҳисобот давриддан кейинги ойнинг 5-кунига-ча Ўзбекистон Республикаси Президентини Девоинига «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

Давлат дастури асосий бўлиmlарининг бажарилиши учун масъулларнинг ҳисоботларини тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тегишли қўшимча ахборот тайёрлайди ва уни қўриб чиқиш учун Республика комиссиясига киритади.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Узелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ролни аҳамиятини кенг тунштиришни, турли даражаларда дастурнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 25 январь.



«Водий пластик» қўшма корхонаси фаолиятининг дастлабки ойларида етмиш нафар Храбек қишлоғи ёшлари бу ерда иш бошлади. «Ўзбек Пластик Бағс» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган ушбу корхона Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳамкорлиги натижаси сифатида дунёга келди. Мамлакатимизнинг «Андижондон-маҳсулотлари», Фарғонадон-маҳсулотлари», «Қизилқумцемент» сингари бир қатор йирик корхоналари учун полипропилен қоплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонада 250 нафарга яқин андижонлик ёшлар меҳнат қилишаётир.

Гулсара Эгамбердиева «Водий пластик»нинг илгор ишчиларидан. У ойлик режаларини бажаришда ҳамкасбларига ибрат. Айни кунларда корхона маҳсулотларини хориз бозорларига ҳам чиқариш бўйича иш олиб боришмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Гулсара Эгамбердиева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## КОМПЬЮТЕРААР ТОПШИРААДИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ НАЗОКАТ УСМОНОВА).

Умумтаълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ўқув ва техник жиҳозлар билан таъминлаш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг муҳим йўналишларидандир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Осиё тараққиёт банки, шунингдек, Корея, Япония, Германия, Австрия ва Хитой каби давлатлар билан бу борадаги ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. ХХРнинг «СНТИК» корпорацияси томонидан вазирликка 21 дон «Pentium-4» русумли компьютер комплекти совға сифатида тақдим этилди. Бу компьютерлар юртимизнинг чекка ҳудудларидаги мактабларга топширилади.

Айни пайтда вазирлик билан маъмур корпорация ўртасида «Мактабларни компьютер билан таъминлаш» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда республикамиз мактабларига яна икки мингта шундай компьютер тўплами etkазиб берилиши кўзда тутилган.

Темир йўлнинг Сурхондарё вилояти ҳудудига тегишли қисмини куриш бўйича бoш пудратчи — «Каттақум» автойўл фойдаланиш махсус бошқармаси ўтган йили ёмон ишламади. Қарийб 3 миллиард сўмлик курилиш-монтаж юмушлари амалга оширилди. 25 километр масофада темир йўл etkазилди. Қирлар, сойликлар ва даралар узра 76 та сунъий иншоот куриб битказилди. Шундай қилиб, дастлабки доводда — Қумқўрғондан 1752-бекатгача курилиш ниҳоясига etkазилди.

— Бу йилги режаларимиз янада салмоқли, — дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари Муусурмонкул Бойкелдиев. — Рельс тасмаси Бойсун шаҳрига etkазилади. Курилишининг энг кийин участкаси — Бой-

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Мамлакатимизда қарийб тўрт ой давом этган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — сайлов кампанияси ниҳоясига етди.

2004 йил 26 декабрда ўтган сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатаси — Қонунчилик палатасига депутатлар тўлиқ, яъни 120 нафардан иборат таркибда сайланди.

Сайлов ва такрорий овоз бериш жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам сайланди.

Шу йил 17-20 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, юқори палата аъзоллигига сайланган 84 нафар сенатор рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қончилигига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг ўн олти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 январдаги Фармонида кўрафан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан тайинланди.

Сайловнинг барча жараёнлари миллий қонунчилик ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда зиммасига олган мажбуриятлари доирасида ташкил этилди. Фуқароларимиз сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши учун тегишли шарт-шароит яратилди. Сийсий партиялар сайлов қонунчилигида кўзда тутилган имкониятлардан тўлиқ фойдаландилар.

Сайловда Ўзбекистоннинг беш юзга яқин, хориздан эса юздан ортқ оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг кенг ва эркин иштирок этиши таъминланди.

25 январь кун Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида сайлов кампанияси ақунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, юртимизда илк бор ўтказилган икки палатали парламент сайлови натижаси ўларок, халқимизнинг илгор қарашли, фидойи, билимдон фарзандларини ўзида жамлаган, жамиятимизнинг барча қатламлари вакиллари билан ташкил топан, Ватанимиз равақи, барқарорлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил ишлашга бел боғлаган, ишчан Олий Мажлис таркиби шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев сайлов жараёнларининг юқори савияда, қонун доирасида, очик ва ошқора, демократик руда ўтганлигини таъкидлар экан, сайлов кампаниясини ҳолисона ёритишда фаоллик кўрсатгани учун оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси номидан миннатдорлик билдирди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев сайловда фуқароларнинг сийсий фаоллиги яққол намоён бўлгани, биринчидан, ҳамюртларимизнинг мамлакатимиз тақдирига бeфaрқ эмаслигини кўрсатса, иккинчидан, оммавий ахборот воситалари сайловнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишилар онг-шуурига etkазишда жонбозлик кўрсатганидан далолат эканини алоҳида қайд этди.

Журналистлар ўзларини кизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

от конференциясида

шундай қилиб, дастлабки доводда — Қумқўрғондан 1752-бекатгача курилиш ниҳоясига etkазилди.

— Бу йилги режаларимиз янада салмоқли, — дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари Муусурмонкул Бойкелдиев. — Рельс тасмаси Бойсун шаҳрига etkазилади. Курилишининг энг кийин участкаси — Бой-

Журналистлар ўзларини кизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**АБДУЛЛАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ**

Москвада дзюдо бўйича ўтган жаҳон суперкубоги босқичида Абдулла Тангриев финалда россиялик Александр Михайлин билан беллашди ва кумуш медалга соҳиб бўлди. (ЎЗА).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 27 январь кун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 26 январь кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 27 январь кун соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари 26 январь кун соат 14.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси.





Спорт

Олмаликда волейбол бўйича эркалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур ўйинлари бошланди.

Майдон эгалари пешқадам

Хозиргача ўтказилган учрашулар якунига кўра, Олмаликнинг комбинати жамоаси голлиблик учун асосий даъвогарлардан саналади. Иккинчи ўринда борайтган Самарқанднинг "ЎЗИ-Сам-Телеком" жамоаси аъзолари ҳам ҳали чемпионликдан умидларини узганлари йўқ. Қўқоннинг "Универсал-банк" жамоаси учинчи ўринда бормоқда.

Ўтказилган учрашуларда қайд этилган натижалар билан танишинг: "ЎЗИ-Сам-Телеком"—"Универсал-банк"—3:1, АГМК—"Омад"—3:0, "Универсал-банк"—"Омад"—3:1, АГМК—"ЎЗИ-Сам-Телеком"—3:2, "ЎЗИ-Сам-Телеком"—"Омад"—3:0, АГМК—"Универсал-банк"—3:1.

"Пахтакор" Италияда

Кена мамлакатимиз чемпиони Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси аъзавакчи Сора Савенале халқаро турнирда қатнашиш учун Италияга жўнаб кетди. Виареджо шаҳрида ўтадиган мазкур мусобақада 40 та жамоа иштирок этиши кутилапти. Улар орасида Европа грандлари—"Бавария", "Вердер", "Ньюкасл", "Грассхоппер" жамоалари билан бирга Мексика, АКШ, Болгария, Сербия ва Черногория, Камерун, Замбия, Австралия, Исроил ҳамда Сан-Марино давлатлари клублари ҳам бор.

Асосий ўйинчилари миллий терма жамоамиз таркибидан ўхув-тайёргарлик машғулотларида қатнашаётганлиги сабабли, мусобақада "Пахтакор"чилар уринбосарлар таркиби билан иштирок этаётганлар.

Хамюртларимиз ўз гуруҳларидаги биринчи учрашувни бугун "Беневенто" жамоасига қарши ўтказди. 28 январь кuni "Грассхоппер", 31 январь кuni эса "Торино" жамоалари "Пахтакор"га рақиб бўлади.

Халқаро турнир ғолиби 7 февраль кuni аниқланади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

2005 — Сихат ва саломатлик йили  
Беморга малҳам,  
врачга ёрдам керак

Сурхондарёда ўртача ҳар 420 кишига битта малакали врач тўғри келади. Вилоятнинг чекка туманларидан бири Бандихонда бир врач 850 одамнинг соғлиғини қўзатиши лозим.

Шифокорга ва унинг дори-дармонига кўп ишим тушмаган дебми, бандихонлик ўқитувчи Тангир Ғойипов спорт билан шуғулланади: велосипед минади. Турникка тортилади. Волейбол ўйнайди. Лекин аҳён-аҳёнда тиббий ёрдамга эҳтиёж туғиловеради. Остеохондрози бор.

Янги йилнинг бошида ҳам бел ва оёқ оғриғи хуруж қилиб, шифохонага тушди. Туман шифохонасининг шартлилари унга аён. Шунинг учун дори-дармонни — ортофен, плазмон, никотин кислота, Витамин — 12 деган малҳамларни олдиндан харири қилди. Шифохонага қуролланиб келди.

Нафақат Тангир домла, доволанмоқ учун шифохонага ётгани келган бошқалар ҳам шундай қиладилар. Чунки, йигирма-йигирма беш кишлоқлик Бандихонда дорихона кам. Бори-йўғи иккита. Бири Пахтакор қишлоғидаги «Сурхондоридормон» хиссдорлик жамиятининг филиали бўлса, иккинчиси марказий поликлиника қошидаги муштдеккина хусусий дўкон.

Қизиғи, ҳайхотдек туманда дорихона йўқ. Демак, но-вокаин, аналгин, демидрол, дибазол, калий хлор деган дори-дармон ҳам узоклардан, қўшни туманлардаги дорихоналардан келтирилади.

Туман марказий шифохонасининг ҳисобчиси Аброр Менгниевазнинг айтишича, бюджет ҳисобидан бир йилда уларга 12 миллион сўмликдан кўпроқ дори-дармон ажратилади. (Аҳоли жон бошига бу ўртача 300 сўмга тўғри келади). Шунча дори-дармоннинг уч миллион сўмликка яқини 8 та кишлоқ врачлик пунктлари, 1611 минг сўмлик поликлиника ва кишлоқ врачлик амбулаториялари, 1219 минг сўмлик имтиёздан фойдаланувчи беморлар ва қолгани шифохона бўлимлари тақсимланади. Пулни топиш ва дорини тақсимлаш қийин эмас, дейди Мингниеваз. — Фақат дорихоналарнинг камлиги, ички дорихонамизнинг йўқлиги қийинчилик туғдирмақда.

Марказий шифохонага флюорография ва портрентген аппаратларини ўрнатганлари дуруст

бўлибди. Бироқ бу таъхис қўйишдаги муаммолар ҳал этилди дегани эмас. Аппаратлардан ҳам кўра малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, нарколог, руҳшунос, уролог, болалар физзиотери, неонатолог кабиларнинг йўқлиги бандихонликнинг кўпроқ бошини қотирётганини айтиб ўтсак тўғри бўлар.

Бир қарашда Бандихонда одамлар сийрақроқ яшаётгандай кўрингани билан шифохонанинг палаталарида беморлар кам эмас. Камқонлик, экстроненетал, эндокренологик хасталиклардан шикоят қиладиганлар кўп. Ҳатто, бир қарашда ўткинчи кўринадиган гриппдан шовиб қоладиганлар ҳам талайгина.

— Биз томонларга ҳам зўр-зўр врачлар аппаратлари билан келиб туришса, малакали ёрдам кўрсатишса, — дейди биз гап бошида сизга таништирган ўқитувчи Тангир Ғойипов. — Сихат ва саломатлик йилида шундай таъхир-аъвол кўйилса деймиз. Беморлик — оғир савдо. Қўлини қисқа, тилини лол қилиб қўяди одамнинг. Унга шафқат қўлини чўзишдан зиёда савоб иш борми?

О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жамгарманинг ҳадяси

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамгармасининг саз-ҳаракати билан жойлардаги спорт иншоотларини зарур анжомлар билан таъминлаш ишлари жадал давом этмоқда.

Жамгарма томонидан таъминланган спорт анжомлари ўл тилган махсус поезд Қорақалпоғистонга етиб келди. Кеғейли туманига 8 миллион сўмлик, Амударё туманига тўрт ярим миллион сўмлик спорт анжомлари топширилди. Хўжайлидаги болалар спорт жаммуига эса 28 хил спорт анжомлари ҳада этилди.

Ў.А.

Хитойнинг импорт ва экспорт корпорацияси «Chinatex» куйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва етказиб беради:



- аралаш газламалар, аралаш-трикотаж газламалар;
- пахтали трикотаж матолар;
- ҳарбий ва ишчи кийимлари тикиш учун мўлжалланган камуфляжли, плашли ва олов ўтказмайдиган матолар;
- ярим жун матолари;
- спорт кийимлари учун матолар;
- махсус қопламали, сув ўтказмайдиган ва намланмайдиган матолар;
- сунъий чармлар;
- сунъий жунлар;
- кўрпа-ёстиқ буюмлари;
- дастурхонлар, салфеткалар, сочиқлар;
- коврадан ва гилам маҳсулотлари;
- портьер ва пардалик матолар;
- аксессуарлар: тасмалар, иплар ва бошқалар;
- синтепон;
- жунли, акрил ва бошқа ип-каваларлар.

Ушбу матолар Хитойдан ишлаб чиқарувчи фабрика нархида етказиб берилади.

Тўқимачилик маҳсулотларини импорт ва экспорт қилувчи «Chinatex» корпорациясининг Тошкентдаги ваколатхонасида турли хилдаги тўқимачилик маҳсулотларининг 5 мингдан ортиқ турдаги намуналари мавжуд. Ушбу намуналар Марказий Осиё республикалари ва Россия ҳудудидан намуналар сони кўпчилиги бўйича устуни туради ва сифати жиҳатидан энг юқори кўрсаткичга эга.

«Chinatex» корпорациясининг Марказий Осиёдаги ваколатхонасининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700031, Тошкент шаҳри, В.Воҳидов кўчаси, 104-уй. Телефонлар: (998 71) 152-62-61, 120-80-81/82/83. Факс: (998 71) 120-80-80. E-mail: tashkentzhang@mail.ru, (URL):http://www.chinatex.uz

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



Ўз маҳсулоти бўлган MAZ русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини миқозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Ўзбекистонга ҳам!

Барга авиотехникалар учун қаролай берилади.



Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевская, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.
Цены действительны по 31.01.2005 г.	

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	939000	ДУ 40х3,0 мм	919000
ДУ 20х2,8 мм	939000	ДУ 50х3,0 мм	919000
ДУ 25х3,2 мм	929000	ДУ 100х4,0-5,0 мм	986000
ДУ 32х3,2 мм	919000		

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм	994000
89х5,0 мм	919000	159х5,0-6,0 мм	1177000
108х3,0-4,5 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевская, Свердловская область);
- Самарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).



Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.

E-mail: uzkommashta@tkr.uz  
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Низбек йўли, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналоийха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

**«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**

**ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ**

кимёвий реагентлар сотиб олиш учун тендер савдоси муддатини узайтиришини эълон қилади:

- пеларгоник кислота — 109,565 тонна;
- циклогексан — 1526,8 тонна;
- силикагель — 62 тонна;
- 2,4-пентандион — 68,986 тонна.

Тендер муддати — 2005 йил 16 январдан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан қишлоғи, Шўртан газ кимё мажмуаси. Телефонлар: (998 75) 221-15-64, 221-02-27. Факс: (998 75) 221-08-46. Электрон почта: shg@uzpakt.uz

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН **ЛИНОЛЕУМЛАРНИ** ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омордан.

Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли **ТРАНСЛИН** қопламаси.

Товар сертифициланган

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

**РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШЎҒБА ҚОРХОНАСИ**

Тошкентдаги оморхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШИНАЛАРИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ** пул ўтказиш йўли билан арзон ва сифатли маҳсулотларни тақдир қилади.

Пахта ва галла (23210... 23220...) траншларини ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 132-12-07, 41-09-20, 41-49-43, 41-50-04. Факс: 132-12-04.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари ва назорат қилувчи органлар ходимлари диққатига!**

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини қамситилиши ва қонун бузилишига йўл қўймаसлик мақсадида **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ** «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида» Қонунга мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини текшириш жараёнида палата аъзолари палата ва унинг ҳудудий бошқармалари вакиллари кўзатувчи сифатида тақлиф этиш ҳуқуқига эгалликларни тўғрисида эслатиб ўлади.

Шу билан бирга Савдо-саноат палатаси умид қиладикки, назорат қилувчи органлар ходимлари текширувларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда, касбий этикага қатъий риоя қилган ҳолда ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини хурмат қилиб фаолият юритадилар.

Барча масалалар ва тақлифлар билан Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Бўхоро к., 6-уй. Телефонлар: 133-06-99, 132-09-04.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси таниқли ҳуқуқшунос **Мазмур ЖАЛИЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Бўстонлик тумани ҳокимлиги жамоаси туман ҳокими Қамбарали Эшонқуллова онаси

**АНГЛИШОЙ** аялини вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик ходими **Мазмур ЖАЛИЛОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетаси мухбири Худойберди Эшмановни синглиси **ДИЛФУЗА**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор қилади.

«Халқаро Намтолик Маркази» акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раиси Уринбосари Фарит Кафидулинга укаси **Рашид КАФИДУЛИН**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат таъшиқотлари институтининг Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори **Собирхон Аҳмадجانов**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон саноат» давлат акциядорлик компанияси жамоаси, «Космос-текмен» қўшма корхонаси ташқи бошқарувчиси Олимжон Бозоровга падири бузуқури

**КАРИМЖОН** отанини вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дуғай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақа бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Бюджет рақами — 063-30975 нумарида бошланади, ҳаҳми — 2 табоқ, объект устулда бошланади. Қўшма бичими А-2. Газети ИВМ компьютерда терилди ва операторлар **Жамшид Тоғиев** ва **Бахтияр Файзиёв** томонидан саҳифаланди.

Таҳрирхонада ҳаҳми 5 кундан зиёд материаллар қабул қилинмайди. П-Тикюрот материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир — М. Холматова.  
Набатчи — Ю. Бўринов,  
Мусаҳҳих — М. Еқубова.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6